



IS “KHOTUN” THE MOTHER OF SHEIKH NAJMIDDIN KUBRO, MENTIONED BY ALISHER NAVOI?

Otabek Safarboev

associate professor, candidate of philosophical Sciences

Ma'mun University

Uzbekistan, Khorezm

ABOUT ARTICLE

Key words: Alisher Navoi, Najm al-Din Kubra, historical personality, khotun, Sufism, Middle Ages.

Received: 30.05.25

Accepted: 01.06.25

Published: 03.06.25

Abstract: This article examines the possibility that the “Khotun” mentioned in the works of Alisher Navoi refers to a real historical figure — possibly the mother of Shaykh Najm al-Din Kubra. Drawing upon Navoi’s texts and historical sources, the author investigates the identity and significance of this woman within the spiritual and cultural context of the medieval period.

АЛИШЕР НАВОЙ ТИЛГА ОЛГАН “ХОТУН” ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ОНАСИМИ?

Отабек Сафарбоев

доцент, фалсафа фанлари номзоди

Маъмун университети

Ўзбекистон, Хоразм

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Алишер Навоий, Нажмиддин Кубро, тарихий шахсият, хотун, тасаввуф, Ўрта асрлар.

Аннотация: Мазкур мақолада Алишер Навоий асарларида учрайдиган “хотун” образининг тарихий шахс билан боғлиқлиги масаласи таҳлил қилинади. Тадқиқотда айниқса, бу аёл Шайх Нажмиддин Кубро онаси боғлиқи эҳтимоли қўриб чиқилади. Муаллиф тарихий манбалар ва Навоий асарларига таяниб, “хотун”нинг шахсини аниқлашга уринган.

ЯВЛЯЕТСЯ ЛИ “ХОТУН” МАТЕРЬЮ ШЕЙХА НАДЖМИДДИНА КУБРО, О КОТОРОМ УПОМИНАЛ АЛИШЕР НАВОИ?

Отабек Сафарбоев

доцент, кандидат философских наук

Университет Мамун

Узбекистан, Хорезм

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Алишер Навои, Нажмиддин Кубро, историческая личность, хотун, суфизм, Средние века.

Аннотация: В статье рассматривается вопрос о том, является ли упомянутая в произведениях Алишера Навои «хотун» матерью шейха Нажмиддина Кубро. Автор, опираясь на исторические источники и тексты Навои, анализирует личность этой женщины и её возможную роль в духовной культуре Средневековья.

КИРИШ

Марказий Осиёда вужудга келган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалган тасаввуфий тариқатлардан бири – Нажмиддин Кубро асос солган кубровия тариқатидир. Нажмиддин Кубронинг шахсияти ва тасаввуфий фаолияти, ўз даврида ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, жавонмардлик жасорати, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилиш ибрати асрлар оша барча даврларда ўрганиб келинган. Шайхнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хивакий ал-Хоразмийдир. У ислом оламига Нажмиддин (“Диннинг юлдузи”) Кубро (“Улуғ, ғолиб”) номи билан танилган. Шайх отасининг исми Носириддин Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, онасининг исми Бибихожар бўлиб, ўз замонасининг дарвешсифат, тақвадор, фозил кишилари бўлишган. Нажмиддин Кубро 540 хижрий, 1145 мелодий йилида Хива тумани ҳозирги Саёт қишлоғида туғилиб, 615 хижрий, 1221 мелодий йилида хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганжда (ҳозирги Кўҳна Урганч, Туркменистон) вафот этган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу буюк мутасаввиф, файласуф олимнинг ҳаёти ва фаолияти аввало Хоразмшоҳ Ануштегинийлар давлатининг гуллаб яшнаган даврида бошланиб, мўғул босқинчилиги туфайли вайрон этилган кунларда поёнига етган. 76 ёшга кирган Нажмиддин Кубро кексалигига қарамай Гурганж қалъаси муҳофазаси ташкил қилишда ўзининг жавонмард ватанпарвар муридларига ҳамда шаҳар аҳлига етакчилик қилиб мўғул босқинчиларига қарши жангга кирган. От устидан бир мўғулни тортиб тушириб ўлдирган пайтида ортидан урилган зарбадан ҳалок бўлган. Манбалардаги хабарларга кўра, Кубронинг чангали душман этагининг бир парчасини маҳкам тутганича қотиб қолган экан.

Кубровийлик эса, тасаввуфнинг машхур тариқати сифатида XIII аср бошларида Хоразмда Шайх Нажмиддин Кубро асос солгандан сўнг узоқ йиллар дунёнинг турли ўлкаларида амал қилиб келди ва “Олтин тариқат” (“тариқати заҳабия”) дея ном олди. Кубровия айнан Ўрта Осиёда, аниқроғи Хоразмда ташкил топган тасаввуф мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжири (силсиласи) Маъруф Ал-Кархий (816 йили вафот этган) орқали ҳазрати Абу Бакр ёки ҳазрати Али ибн Абу Толибга бориб тақалади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталган эди. Кубровия тариқати XVIII асрнинг охирларигача кенг тарқалди. Унинг аъзолари Нажмиддин Кубро таълимоти ва ғояларини то Хитойнинг ғарбий чегараларига қадар ёйдилар. Кейинчалик кубровийликнинг бир неча мустақил шаҳобчалари пайдо бўлди. Улар *фирдавсия*, *нурия*, *рукния*, *ҳамадония* *олия*, *игтишоҳия*, *заҳабия*, *нурбаҳиш* *ва неъматуллоҳия кабилардир*. Баъзи тадқиқотчилар Туркияда вужудга келган *мавлавия* тариқатининг ғоявий илдишларини Нажмиддин Кубро билан боғлайдилар. Бунга сабаб қилиб Жалолиддин Румийнинг рубойисини кўрсатиб ўтадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида ранглар орқали кашф ҳодисаларини изҳор этишга эътибор қаратган илк мутасаввиф ўларок эътироф этилган. У биринчилардан бўлиб тасаввуфнинг фалсафийлашув жараёнини бошлаб берди, бошқача айтганда, тасаввуфни фалсафа билан уйғунлаштирди.

Шарқ уйғониш даврининг буюк мутасаввиф шоири Алишер Навоий ўзидан олдин ўтган мутасаввифларнинг ҳаёти ва таълимотини чуқур ўрганган. Бу ҳолатни унинг авлиёлар ҳақидаги тазкираси “Насойимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват” (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари) номли асарида кўришимиз мумкин[1]. “Насойимул-муҳаббат” устози Абдурахмон Жомийнинг машхур асари – “Нафаҳотул-унс мин ҳазаротул-қудс” (Пок зотлар ҳузуридан эсанг дўстликнинг ёқимли ислари) асаридан илҳомланиб ва унга эргашиб ёзилганлиги, шубҳасиздир. Лекин Навоий ўз асарида Жомийга нисбатан анча кўп – 770 та авлиё ҳақида маълумот беради. Навоий ўзининг тасаввуфий қарашларини ифодалаган “Лисонут-тайр” (Қушлар тили) асарида ҳам “Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи” фаслида шайхнинг маънавий-руҳий таъсир қувватига юксак баҳо беради.

“Насойимул-муҳаббат”да 472-тартиб рақамида Нажмиддин Кубро ҳақида анча кенг (6 саҳифа) маълумот беради[2]. Унда Нажмиддин Кубродан аввалги ва кейинги бошқа шайхларга нисбатан анча оз ўрин ажратилган. Яна, Жомий тазкирасида берилган

Нажмиддин Кубронинг устозлари ва шогирдларининг матн сирасидаги кетма-кетлик Навоий асарида ҳам айнан сақланган.

Бу жиҳатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўрта асрларда тасаввуф бўйича асар ёзган кўпчилик муаллифлар, Шайх Нажмиддин Кубро шахсиятига алоҳида эътибор берганлар. Шу билан бирга Нажмиддин Кубронинг бу даражада улуғ тасаввуф арбоби бўлиб етишишига сабаб бўлган устоз ва унинг таълимотини давом эттирган шогирд авлиё зотлар ҳақида ҳам маълумотни йўл – йўлакай беришга интиланлар. Бу эса ўз навбатида Нажмиддин Кубро шахсияти ва таълимотини ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилгандир.

Навоий “Насойимул-муҳаббат”да Абдурахмон Жомий ҳақида маълумот бергандан кейин, “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” фаслида 35 та авлиё аёллар ҳақида маълумот беради. Ушбу асарнинг 766-тартиб рақамида Навоий ҳазратлари ёзади: *“Имраъатун Хоразмия раҳимаҳо Оллоҳу таоло. Ва ҳам Имом Ёфийий ўз тарихида уламнинг биридин нақл қилурким, дебдурки, Хоразм навоҳисида бир хотун кўрдимки, йигирма йилдин ортуқроқ егулик ва ичкуликдин ҳеч нимага иштигол (шугулланиш – С.О.) кўргазмайдур эрди. Валлоҳу аълам”*. [3]

Хўш, Навоийдан олдин Хоразмда яшаган бу ориф аёл ким бўлиши мумкин? Биз хоразмлик кекса муллалардан суриштириб сўраганимизда, Биби Хожар момо деб, асос сифатида Алишер Навоийни таъкидладилар. Лекин Навоий Имом Ёфийийга таяниб, исмсиз хотун ҳақида маълумот беради. Алишер Навоийнинг бундай фикрга келишига асос бўлган бир факт “Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси” кўлёмасида мавжудлиги диққатимизни тортди. Унда шундай дейилади: “Ровийлар айтур, шаҳри Хоразм ул вақт андоғ обод эрдик... Ва яна тўрт юз қорихонаси бор эрди. Ҳар қайсисинда бир қори таълим берур эрди. Беш юз қаландархонаси бор эрди. Ҳар қаландархонада бир бобой (кекса донишманд – С.О.) қаландар таълим берур эрди. Минг мусофирхонаси (меҳмонхона – С.О.) бор эрди. Подшоҳдин ротиба (кундалик таъминот, маош – С.О.) олур эрди ва беш юз лавандхонаси (бекорчилар бозори – С.О.) бор эрди. Лаванд аҳли (ишсизлар – С.О.) ҳамма подшоҳдин вазифахўр эрди. Минг ҳаммоми бор эрди. Тўрт минг мужтаҳид, тўрт минг машойих, беш минг ишқия, уч минг кубровия, беш минг жаҳрия, саккиз юз қиз бақр ўтуб, нафсин ўлтурган эрди” [4]. Ушбу факт XII-XIII асрлардаги Хоразмнинг ижтимоий ва эътиқодий манзарасини акс эттиради.

Минг афсуски, Шайхнинг ота-оналари ҳақида Алишер Навоийдан бошқа маълумот берувчи бирор манбага эга эмасмиз, ҳозирча. Фақат мантикий асосларга суянишимиз мумкин:

Биринчидан, оилада соғлом диний муҳит шаклланмаган бўлса, Кубродек шахс етишиб чикмаган бўларди. Кубронинг ота-оналари Умар ибн Муҳаммад ва Биби Хожарлар замонасининг фозил уламоларидан бири бўлишган. Куброшунос олима А.Бектошева “Зеро, шайхнинг ўзлари ҳам бир рисоласида оналарининг исмларини тилга олмасалар-да, солиҳа аёл бўлганларидан хабар беради”[5], деб ёзади. Балки Нажмиддин Кубронинг ўз асарларида онасининг исми тилга олинмагани боис, бир хотун кўрдим деб ёзган бўлиши эҳтимол.

Иккинчидан, ўрта асрларда Хоразмда исломий илмларга эҳтиёж кучли бўлиб, бу соҳада юксак тараққий қилган эди. Қуръонга шарҳларнинг ёзилиши, машҳур фикҳшуносларнинг етишиб чиқиши, Замахшарий ва Рабғўзий сингари шахсларнинг пайдо бўлиши бесабаб эмас. Жамиятдаги бундай маънавий ва сиёсий эҳтиёж Кубродек шахсни етказиб берди.

Учинчидан, Хоразмнинг ўрта асрлардаги гуллаб-яшнаши воҳанинг буюк ипак йўли устида жойлашганлиги ва мамлакатда бағрикенглик муҳитининг қарор топганлиги билан изоҳланади. Алишер Навоийнинг ўзи Хоразмга боришни ва Нажмиддин Кубронинг қабрини зиёрат қилишни бир умр орзу қилиб ўтган.

Тўртинчидан, ўрта асрларда Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши маданий юксалишга олиб келди. Шундай мамлакатда Кубро оиласидек хонадонларнинг кўп бўлиши, табиийдир. Зиёли, тақвадор оилада Биби Хожар, Биби Шодмон, Биби Робия, Биби Фотима каби опа-сингилларнинг авлиё даражасига кўтарилишига шубҳаланмаса бўлади.

Демак, тарихий фактлар ва мантиқий асослардан келиб чиқиб, Алишер Навоий тилга олган “Хотун” Нажмиддин Кубронинг онаси Биби Хожар момодир деб айта оламиз.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Алишер Навоийнинг ижодидан ундан кейин яшаган Хоразм шоирлари баҳраманд бўлгани каби, Алишер Навоий ҳам ўзидан олдин яшаб ижод қилган хоразмлик алломаларнинг, хусусан, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғўзий, Абулвафо Хоразмий, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи каби шоирларнинг маънавий меросидан, “Девқалъа”, “Шоҳсанам”, “Гулдурсун” каби афсоналардан маънавий озиқ олган. Биргина “Девқалъа” афсонаси Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги Низомий Ганжавий, Ҳисрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг шу номдаги асарларига ғоявий замин бўлди. Алишер Навоий ана шундай бой маънавий мерос устига қурилган Шарқ уйғониш даврининг энг юксак чўққисидир[6].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий, А. Насойимул-муҳаббат. 20 томлик. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: Фан, 2001.
2. Навоий, А. Насойимул-муҳаббат. 20 томлик. Мукаммал асарлар тўплами. 287 – 292-бетлар.
3. Навоий, А. Насойимул-муҳаббат. 20 томлик. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: Фан, 2001. – 495-бет.
4. Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд Хоразм тарихи. – Тошкент: “Истиқлол”, 2017. – 31-бет.
5. Бектошева А. Тарикат, маърифат ва шеърят муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида). - Филология фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Тошкент, 2019. 13-бет.
6. Раҳим, Муҳаммад. Мутолаа лаззати ва мушоҳада машаққати. – Тошкент: “Турон-икбол”, 2017. 66-бет.